



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

№3

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2025



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 3-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров  
PhD, доцент И.М.Пардаева  
PhD, И.Ш.Эрназарова

**Техник муҳаррир:**

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба  
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори, DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти, DSc

**А.М.Каримова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

**И.Б.Маттиев** – СамИСИ профессори, DSc

<b>Феруз Нематуллаевич Абилов</b> Қишлоқ ҳудудларида агросервис хизматларини кўрсатувчи инсон ресурслари фаолиятини такомиллаштириш	69
<b>Нажмиддин Раҳматуллаевич Абдувоҳидов</b> Хизмат кўрсатиш соҳасида иш ўринларини яратишда сохта иқтисодиёт ва уни баргараф этишнинг амалий йўналишлари	74
<b>Мурод Нозирович Ибрагимов</b> Перспектива развития услуг по внедрению стандартов GxP в Узбекистане	79
<b>Рустам Алижонович Мусабоев</b> Подходы к стратегическому планированию развития сферы бытовых услуг республики узбекистан	84
<b>Ulug'bek Ziyadullayevich Narmurodov</b> Pochta va kuryerlik xizmat ko'rsatishni rivojlantirish holati va tahlili (Samarqand viloyati misolida)	88
<b>Тўлқин Исматулла ўғли Яхёев</b> Қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналар самарадорлигини баҳолашни ва таҳлил қилиш усуллари такомиллаштириш	94
<b>Shohina Xujmaxmatovna Pirova</b> Ichimlik suvi ta'minotini rivojlantirishda xorijiy mamlakatlar tajribasi	98
<b>Nodira Abdullayevna Eshquvvatova</b> Xizmat ko'rsatish korxonalarida iqtisodiy resurslardan foydalanish samaradorligini baholash	102
<b>ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Юлдуз Пирназаровна Урунбаева</b> Ўзбекистонда музей туризмни бозорини ривожлантириш йўллари	107
<b>Дилбар Хасановна Асланова, Маликабону Фуркатовна Раупова</b> Совершенствование организационно-экономического механизма развития малого гостиничного бизнеса	113
<b>Темурбек Бобурмирзо ўғли Саломов</b> Зиёрат туризмида кўрсатиладиган хизматлар турларини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва тавсифи	116
<b>Райхона Садриддиновна Амриддинова</b> Ребрендинг как стратегический инструмент повышения конкурентоспособности гостиничных предприятий	121
<b>Ikrom Abdurashitovich Shukurov</b> Turizm sohasining barqaror rivojlantririshda ekonometrik modellashtirishning xorij tajribasi	124
<b>Sarvar Adxamovich Abduxamidov</b> Turistik mintaqalar: ularni tashkil qilish va rivojlantirishda rayonlashtirish xususiyatlari	130
<b>Дониёр Журакулович Абдуразаков</b> Туризм қишлоғи концепцияси ва унинг назарий-илмий тавсифлари таҳлили	135
<b>Mekhruza Sukhrobjon qizi Vafokulova</b> The role of family-owned businesses in the sustainable development of tourism in Samarkand	138
<b>Diyora Narzieva</b> Modern approaches to the development of cultural tourism	144
<b>Sadoqat Quدراتовна Bultakova</b> Xizmatlar sohasini diversifikatsiyalashning Yaponiya tajribasi	150

Тўлқин Исматулла ўғли Яхёев – СамИСИ катта ўқитувчиси

## ҚУРИЛИШ ХИЗМАТЛАРИ КўРСАТУВЧИ КОРХОНАЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Аннотация.** Ушбу мақолада қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналар самарадорлигини баҳолашни амалга оширишда омилли таҳлил усулларида фойдаланишнинг алоҳида хусусиятлари ҳамда натижага тўртта омил таъсир қилганда интеграл усули ёрдамида натижага омиллар таъсирини ҳисоблашнинг стандарт алгоритими келтирилган.

**Калит сўзлар:** қурилиш хизматлари, самара, самарадорлик, қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналар самарадорлиги, солиштириш усули, мувозанат усули, интеграл усули, яппи тушум, омиллар.

**Кириш.** Янги Ўзбекистонда учинчи ренессанс даврида фақатгина миқдорга эмас асосий этибор миқдор билан биргаликда сифатга ҳам катта этибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида ижтимоий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жабҳаларда жуда катта натижаларга эришилмоқда. Ҳар бир натижа албатта маълум миқдор ҳамда самарадорлик каби омиллар таъсирида вужудга келади. Умумий натижанинг мутлоқ миқдорда ўзгариши билан корхона фаолиятига баҳо бериш мумкин эмас. Чунки ушбу кўрсаткичга қайсидир омил юқори даражада таъсир қилиши бошқа бир омилнинг кичик миқдорда салбий таъсирини яшириши мумкин. Шу боисдан ҳар қандай натижа бўйича тўғри хулоса чиқарилиши учун албатта натижага омиллар таъсирини ҳисоблаш ҳамда шу асосда умумий хулоса чиқариш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Ушбу мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий адабиёт манбалари таҳлили, қурилиш соҳасида фундаментал тадқиқотлар қаторида И.С.Степанова [1], Аренс Е.А. [2], ДЖ.К. Лоббек [3], Серов В.М. [4], Гурков И.Б [5] сингари хорижий олимларнинг, М.К.Пардаев[6], Н.Т.Тухлиев [7], Е.В.Голешева [8], М. Мирахмедов [9], А.А.Ештаев [10], К.Б.Уразов [11] сингари маҳаллий иқтисодчи олимларнинг қурилиш соҳасидаги турли масалалари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналар самарадорлигини баҳолашнинг омилли таҳлил усулларида фойдаланишни тадқиқ қилишда макон ва замон, индукция ва дедукция, шакл ва мазмун, миқдор ва сифат, мантикий ёндошув, омилли таҳлил, математик моделлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Натижага омиллар таъсирини ҳисоблашда иқтисодий таҳлилда қўлланилиб келинаётган анъанавий усуллардан фойдаланилади. Иқтисодий таҳлилда фойдаланиладиган анъанавий усулларга солиштириш, мувозанат, қайта ҳисоблаш, фарқлаш, индекс, интеграл, занжирли алмаштириш, нисбий миқдорлардан фойдаланиш ҳамда кичик сонлардан фойдаланиш усуллари дидир.

Ушбу усулларнинг ҳар бирининг ўз қўллаш доираси ҳамда алоҳида хусусиятлари мавжуд. Хусусан, солиштириш усули корхонанинг дастлабки маълумотларини динамик таққослаш асосида дастлабки хулоса бериш учун хизмат қилса, мувозанат усули корхонанинг актив ҳамда пассивлари ҳаракатини балансга олиб келиш асосида ўзаро таъсирларини баҳолайди. Қайта ҳисоблаш усулидан натижага икки омил таъсир қилганда ҳамда омиллар ва натижа ўзаро функционал боғланиш бўлганда фойдаланилса, занжирли алмаштириш, фарқлаш ва индекс усулларида натижага ихтиёрий  $n (n>1)$  та омил таъсир қилганда фойдаланиш мумкин.

Иқтисодий таҳлилда фойдаланиладиган анъанавий усуллардан энг самарали усул бу интеграл усулидир. Интеграл усулининг бошқа усуллардан қуйидаги алоҳида хусусиятлари мавжуд:

*Биринчидан*, интеграл усули математик усулларга энг яқин усул ҳисобланади.

*Иккинчидан*, интеграл усули асосида натижага омиллар таъсири ҳисобланганда

омилларнинг ўрни алмаштирилган тақдирда ҳам натижа ўзгармай қолади.

*Учинчидан*, омилларни асосий ҳамда ёрдамчи омиллар сифатида гуруҳларга ажратиш зарурати бўлмайди.

Қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналар самарадорлигини баҳолашда ҳам интеграл усулидан кенгроқ фойдаланиш умумий самарадорлик даражасига омиллар таъсирини тўғри ҳисоблашга, ҳисобланган натижалар асосида самарали бошқарув қарорларини қабул қилинишига ҳамда бунинг натижасида самарадорлик даражасини оширишга эришилади.

Қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарда самарадоликни баҳолашда интеграл усулининг қўлланилишида асосан учтагача бўлган ҳолатларда қўлланилиб келинмоқда. Бунинг асосий сабаби эса учтадан кўп омил бўйича натижага омиллар таъсирини ҳисоблашнинг стандарт методологияси мавжуд эмас. Қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналар самарадорлигининг асосий муҳим кўрсаткичларидан бири бу корхонанинг катта даромад қисмини ташкил қилувчи соф тушумни ўз ичига оладиган хизматларни сотишдан ялпи тушум бўлиб ҳисобланади. Қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарда ялпи тушум миқдорини қуйидагича аниқлаш тавсия қилинди.

$$ЯТ = ББН * СЎИХ * МС * СМК \quad (1)^1$$

**ЯТ** – қурилиш хизматларини сотишдан ялпи тушум, **ББН** – бир бирлик хизмат ҳажми, **СЎИХ** – ҳар бир миқдорга ўртача сотилган хизмат ҳажми, **МС** – мурожаатлар сони, **СМК** – Сотилган миқдорларни умумий мурожаат қилганлардаги улуши.

Қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарда қурилиш хизматларини сотишдан ялпи тушумни ушбу тартибда аниқланиши қуйидаги имкониятларни беради.

*Биринчидан*, бир бирлик кўрсатиладиган хизмат нархи аниқ бўлади,

*Иккинчидан*, ҳар бир миқдорга ўртача сотилган хизмат ҳажми аниқ ифодаланган бўлади.

*Учунчидан*, умумий миқдорлар ҳажми ҳамда умумий миқдорларда хизмат сотилган миқдорларнинг улуши аниқ бўлади.

*Тўртинчидан*, ушбу тўртта кўрсаткични ўзаро таққослаш асосида ҳам корхона бўйича маълум хулосалар олиш имконияти мавжуд бўлади.

Натижага омиллар таъсирини ҳисоблашда интеграл усулидан фойдаланилганда натижага тўртта омил таъсир қилганлиги сабабли қуйидаги кетма-кетликда амалга ошириш таклиф қилинди.

Ялпи тушумнинг режадаги миқдори:

$$ЯТ_p = ББН_p * СЎИХ_p * МС_p * СМК_p$$

Ялпи тушумнинг ҳақиқатдаги миқдори:

$$ЯТ_x = ББН_x * СЎИХ_x * МС_x * СМК_x$$

Умумий фарк:

$$\Delta ЯТ = ЯТ_x - ЯТ_p = ББН_x * СЎИХ_x * МС_x * СМК_x - ББН_p * СЎИХ_p * МС_p * СМК_p$$

Натижага биринчи омилнинг таъсири:

$$\Delta ЯТ_{ББН} = \Delta ББН * (СЎИХ_p * МС_p * СМК_p + \frac{1}{2} (\Delta СЎИХ * МС_p * СМК_p + \Delta МС * СЎИХ_p * СМК_p + \Delta СМК * МС_p * СЎИХ_p)) + \frac{1}{3} (\Delta СЎИХ * \Delta МС * СМК_p + \Delta СЎИХ * \Delta СМК * МС_p + \Delta МС * \Delta СМК * СЎИХ_p) + \frac{1}{4} (\Delta МС * \Delta СМК * \Delta СЎИХ) \quad (2)^2$$

Натижага иккинчи омилнинг таъсири:

$$\Delta ЯТ_{СЎИХ} = \Delta СЎИХ * (ББН_p * МС_p * СМК_p + \frac{1}{2} (\Delta ББН * МС_p * СМК_p + \Delta МС * ББН_p * СМК_p + \Delta СМК * МС_p * ББН_p)) + \frac{1}{3} (\Delta ББН * \Delta МС * СМК_p + \Delta ББН * \Delta СМК * МС_p + \Delta МС * \Delta СМК * ББН_p) + \frac{1}{4} (\Delta МС * \Delta СМК * \Delta ББН) \quad (3)^1$$

<sup>1</sup> Таққословчи натижасида муаллиф ишланмаси

<sup>2</sup> Таққословчи натижасида муаллиф ишланмаси

Натижага учинчи омилнинг таъсири:

$$\Delta Y_{T_{MC}} = \Delta MC * (C_{\text{YIX}_p} * BBH_p * CMK_p + \frac{1}{2} (\Delta C_{\text{YIX}} * BBH_p * CMK_p + \Delta BBH * C_{\text{YIX}_p} * CMK_p + \Delta CMK * BBH_p * C_{\text{YIX}_p})) + \frac{1}{3} (\Delta C_{\text{YIX}} * \Delta BBH * CMK_p + \Delta C_{\text{YIX}} * \Delta CMK * BBH_p + \Delta BBH * \Delta CMK * C_{\text{YIX}_p}) + \frac{1}{4} (\Delta BBH * \Delta CMK * \Delta C_{\text{YIX}}) \quad (4)^2$$

Натижага тўртинчи омилнинг таъсири:

$$\Delta Y_{T_{CMK}} = \Delta CMK * (C_{\text{YIX}_p} * MC_p * BBH_p + \frac{1}{2} (\Delta C_{\text{YIX}} * MC_p * BBH_p + \Delta MC * C_{\text{YIX}_p} * BBH_p + \Delta BBH * MC_p * C_{\text{YIX}_p})) + \frac{1}{3} (\Delta C_{\text{YIX}} * \Delta MC * BBH_p + \Delta C_{\text{YIX}} * \Delta BBH * MC_p + \Delta MC * \Delta BBH * C_{\text{YIX}_p}) + \frac{1}{4} (\Delta MC * \Delta BBH * \Delta C_{\text{YIX}}) \quad (5)^3$$

Тадқиқот давомида “ЯТИ”АЖ ўрганилиши натижасида қуйидаги маълумотлар олинди.

1-жадвал

**“ЯТИ”АЖнинг 2023-2024 йилларда ялпи тушум ҳажми ҳамда унга таъсир этувчи омиллар**

№	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	2023	2024
1	Хизматларни сотишдан ялпи тушум	Млн сўм	231 000 000,0	702 506 250,0
2	Бир бирлик хизмат ўртача нархи	Млн сўм	6,0	7,5
3	Ҳар бир миқдорга ўртача сотилган хизмат ҳажми	М кв	50 000	90 500
4	Мурожатлар сони	Дона	1 000	1 500
5	Сотилган миқдорларни умумий мурожаат қилганлардаги улуши	Коэффициент	0,77	0,69

“ЯТИ”АЖнинг хизматларни сотишдан ялпи тушум ҳажми 2024 йилда 2023 йилга нисбатан 471 506 250,0 минг сўмга ошди. Натижанинг ушбу ўзгаришига омиллар таъсирини қуйидаги кетма кетликда аниқланди.

Натижага биринчи омилнинг таъсири ҳисобланди:

$$\Delta Y_{T_{BBH}} = \Delta BBH * (C_{\text{YIX}_p} * MC_p * CMK_p + \frac{1}{2} (\Delta C_{\text{YIX}} * MC_p * CMK_p + \Delta MC * C_{\text{YIX}_p} * CMK_p + \Delta CMK * MC_p * C_{\text{YIX}_p})) + \frac{1}{3} (\Delta C_{\text{YIX}} * \Delta MC * CMK_p + \Delta C_{\text{YIX}} * \Delta CMK * MC_p + \Delta MC * \Delta CMK * C_{\text{YIX}_p}) + \frac{1}{4} (\Delta MC * \Delta CMK * \Delta C_{\text{YIX}}) = \Delta 1,5 * (50000 * 1000 * 0,77 + \frac{1}{2} (40500 * 1000 * 0,77 + 500 * 50000 * 0,77 - 0,88 * 1000 * 50000)) + \frac{1}{3} (40500 * 500 * 0,77 + 40500 * (-0,08) * 1000 + 500 * (-0,08) * 50000) + \frac{1}{4} (40500 * 500 * (-0,08)) = \mathbf{97\ 145\ 000,0}$$

Натижага иккинчи омилнинг таъсири ҳисобланди:

$$\Delta Y_{T_{C_{\text{YIX}}}} = \Delta C_{\text{YIX}} * (BBH_p * MC_p * CMK_p + \frac{1}{2} (\Delta BBH * MC_p * CMK_p + \Delta MC * BBH_p * CMK_p + \Delta CMK * MC_p * BBH_p)) + \frac{1}{3} (\Delta BBH * \Delta MC * CMK_p + \Delta BBH * \Delta CMK * MC_p + \Delta MC * \Delta CMK * BBH_p) + \frac{1}{4} (\Delta MC * \Delta CMK * \Delta BBH) = 40500 * (6,0 * 1000 * 0,77 + \frac{1}{2} (1,5 * 1000 * 0,77 + 500 * 6,0 * 0,77 - 0,08 * 1000 * 6,0)) + \frac{1}{3} (1,5 * 500 * 0,77 - 1,5 * 0,08 * 1000 - 500 * 0,08 * 6,0) + \frac{1}{4} (1000 * (-0,08) * 1,5) = \mathbf{249\ 885\ 000,0}$$

<sup>1</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси

<sup>2</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси

<sup>3</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси

Натижага учинчи омилнинг таъсири ҳисобланди:

$$\begin{aligned} \Delta T_{MC} &= \Delta MC * (C_{\text{СЎИХ}_p} * B_{\text{БН}_p} * C_{\text{СМК}_p} + \frac{1}{2} (\Delta C_{\text{СЎИХ}} * B_{\text{БН}_p} * C_{\text{СМК}_p} + \Delta B_{\text{БН}} * \\ &C_{\text{СЎИХ}_p} * C_{\text{СМК}_p} + \Delta C_{\text{СМК}} * B_{\text{БН}_p} * C_{\text{СЎИХ}_p}) + \frac{1}{3} (\Delta C_{\text{СЎИХ}} * \Delta B_{\text{БН}} * C_{\text{СМК}_p} + \Delta C_{\text{СЎИХ}} * \Delta C_{\text{СМК}} * \\ &B_{\text{БН}_p} + \Delta B_{\text{БН}} * \Delta C_{\text{СМК}} * C_{\text{СЎИХ}_p}) + \frac{1}{4} (\Delta B_{\text{БН}} * \Delta C_{\text{СМК}} * \Delta C_{\text{СЎИХ}}) == 500 * (50000 * 6,0 * \\ &0,77 + \frac{1}{2} (40500 * 6,0 * 0,77 + 1,5 * 50000 * 0,77 - 0,08 * 6,0 * 50000) + \frac{1}{3} (40500 * 1,5 * \\ &0,77 + 40500 * (-0,08) * 6,0 + 1,5 * (-0,08) * 40500) + \frac{1}{4} (1,5 * (-0,08) * 40500) = \\ &173\ 663\ 750,0 \end{aligned}$$

Натижага тўрттинчи омилнинг таъсири ҳисобланди:

$$\begin{aligned} \Delta T_{\text{СМК}} &= \Delta C_{\text{СМК}} * (C_{\text{СЎИХ}_p} * M_{\text{С}_p} * B_{\text{БН}_p} + \frac{1}{2} (\Delta C_{\text{СЎИХ}} * M_{\text{С}_p} * B_{\text{БН}_p} + \Delta C_{\text{СМК}} * \\ &C_{\text{СЎИХ}_p} * B_{\text{БН}_p} + \Delta B_{\text{БН}} * M_{\text{С}_p} * C_{\text{СЎИХ}_p}) + \frac{1}{3} (\Delta C_{\text{СЎИХ}} * \Delta C_{\text{СМК}} * B_{\text{БН}_p} + \Delta C_{\text{СЎИХ}} * \Delta B_{\text{БН}} * \\ &M_{\text{С}_p} + \Delta C_{\text{СМК}} * \Delta B_{\text{БН}} * C_{\text{СЎИХ}_p}) + \frac{1}{4} (\Delta C_{\text{СМК}} * \Delta B_{\text{БН}} * \Delta C_{\text{СЎИХ}}) = (-0,08) * (50000 * 1000 * \\ &6,0 + \frac{1}{2} (40500 * 1000 * 6,0 + 500 * 50000 * 6,0 + 1,5 * 1000 * 50000) + \frac{1}{3} (40500 * 500 * \\ &6,0 + 40500 * 1,5 * 1000 + 500 * 1,5 * 50000) + \frac{1}{4} (500 * 1,5 * 40500) = -49\ 187\ 500,0 \end{aligned}$$

Натижага омиллар таъсири тўғри ҳисобланганлигини текширилди ҳамда қуйидаги натижалар олинди.

$$\begin{aligned} \Delta T &= \Delta T_{\text{БН}} + \Delta T_{\text{СЎИХ}} + \Delta T_{\text{MC}} + \Delta T_{\text{СМК}} \\ &= 97\ 145\ 000,0 + 249\ 885\ 000,0 + 173\ 663\ 750,0 - 49\ 187\ 500,0 \\ &= 471\ 506\ 250 \end{aligned}$$

Натижага омиллар таъсири тўғри ҳисобланган, чунки умумий фарқ билан натижага омиллар таъсири йиғиндиси бир-бирига тенг.

**Хулоса ва таклифлар.** Иқтисодий таҳлилда натижага омиллар таъсири баҳоланганда тўртта ҳамда ундан кўп омил таъсир қилганда натижага омиллар таъсири ҳисобланганда аниқ методика мавжуд эмаслиги ҳамда қийинчиликлар вужудга келиши аниқланиб натижага тўртта омил таъсир қилганда омиллар таъсирини ҳисоблаш бўйича қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Биринчидан**, юқорида натижага таъсир этувчи омилларнинг таъсирини аниқлашда таклиф қилинган методикадан фақатгина мултипликатив моделда қўлланилиши тавсия қилинади.

**Иккинчидан**, натижага омиллар таъсири баҳоланганда интеграл усулидан фойдаланиш омиллар ўрни алмаштирилганда ҳам натижа ўзгармаслигини таъминлайди.

**Учинчидан**, натижага омиллар таъсирини тўртта омил учун ҳисоблаганда юқорида келтирилган 2,3,4 ҳамда 5 чи алгоритмлардан фойдаланиш тавсия қилинди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жўраев Ш.Ж. “Иқтисодий таҳлил асослари”. Тошкент: Молия нашриёти, 2018.
2. Раҳимов Н.Р., Юнусов Ш.М. “Корхона фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш”. Тошкент: Иқтисод-Молия, 2020.
3. Ҳамидов А.Х. “Иқтисодий таҳлил назарияси ва амалиёти” Тошкент: Иқтисодиёт, 2017.
4. Савицкая Г.В. “Анализ хозяйственной деятельности предприятия”. Минск: Новое знание, 2019.
5. Шеремет А.Д. “Теория экономического анализа”. Москва: Инфра-М, 2020.
6. Любушин Н.П., Воронкова Л.П. “Анализ финансово-экономической деятельности предприятия”. Москва: Юрайт, 2021.
7. Robert M. Grant “Contemporary Strategy Analysis”. Wiley, 2021.
8. Damodaran, A. “Applied Corporate Finance”. Wiley, 2020.

<p><b>Т.Яхёев</b></p> <p><b>Совершенствование оценки эффективности деятельности предприятий строительной отрасли на основе методов факторного анализа</b></p> <p><b>Аннотация.</b> В статье рассматриваются особенности применения методов факторного анализа при оценке эффективности деятельности предприятий, оказывающих строительные услуги, типовой алгоритм расчета влияния факторов на результат интегральным методом при воздействии на результат четырех факторов.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> строительные услуги, эффективность, результативность, эффективность предприятий, оказывающих строительные услуги, сравнительный метод, равновесный метод, интегральный метод, валовая прибыль, факторы.</p>	<p><b>T.Yakhyoev</b></p> <p><b>Improving the assessment of the efficiency of enterprises providing construction services based on factor analysis methods</b></p> <p><b>Abstract.</b> This article presents the specific features of using factor analysis methods in assessing the efficiency of enterprises providing construction services and a standard algorithm for calculating the impact of factors on the result using the integral method when four factors affect the result.</p> <p><b>Keywords:</b> construction services, efficiency, efficiency, efficiency of enterprises providing construction services, comparative method, equilibrium method, integral method, gross profit, factors.</p>
------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

**Shohina Xujmaxmatovna Pirova** – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, stajyor o‘qituvchi

### ICHIMLIK SUVI TA’MINOTINI RIVOJLANTIRISHDA XORIJIY MAMLAKATLAR TAJRIBASI

<p><b>Annotatsiya.</b> Mazkur maqolada ichimlik suvi ta’minotini samarali tashkil etish bo‘yicha xorijiy mamlakatlarning ilg‘or tajribalari tahlil qilinadi. Jumladan, Germaniya, Singapur, AQSh, Isroil kabi davlatlarning suv resurslarini boshqarish, zamonaviy texnologiyalarni joriy etish, suvni tejash va qayta ishlash, hamda davlat-xususiy sheriklik asosidagi yondashuvlari tahlil qilinadi. Xorijiy tajriba asosida ichimlik suvi tizimining samaradorligini oshirish va barqaror rivojlantirish uchun O‘zbekiston sharoitiga mos amaliy tavsiyalar ishlab chiqiladi. Tadqiqot natijalari suv ta’minoti infratuzilmasini modernizatsiya qilish, ekologik xavfsizlikni ta’minlash va aholining hayot sifatini yaxshilashga xizmat qiladi.</p> <p><b>Kalit so‘zlar:</b> ichimlik suvi, suv ta’minoti, suv resurslarini boshqarish, zamonaviy texnologiyalar, suvni qayta ishlash, suv infratuzilmasi, suvni tejash.</p>
-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

**Kirish.** XXI asrda global miqyosda iqlim o‘zgarishi, aholining keskin o‘sishi, urbanizatsiya va sanoat rivojlanishi kabi omillar suv resurslariga bo‘lgan bosimni keskin kuchaytirmoqda. Ayniqsa, ichimlik suvi bilan ta’minlash masalasi bugungi kunda nafaqat rivojlanayotgan, balki rivojlangan davlatlar uchun ham dolzarb vazifalardan biri bo‘lib qolmoqda. Suv resurslarining cheklanganligi, mavjud infratuzilmalarning eskirganligi, texnologik yangilanishga bo‘lgan ehtiyoj – bularning barchasi ichimlik suvi ta’minoti tizimlarini tubdan qayta ko‘rib chiqishga undamoqda. Bugungi kunda dunyo mamlakatlari suv resurslarini boshqarishda turli yondashuvlarni qo‘llamoqdalar. Ayrim davlatlar, masalan, Isroil, suv tanqisligiga qaramay, ilg‘or texnologiyalar va samarali boshqaruv mexanizmlari asosida aholini barqaror ichimlik suvi bilan ta’minlab kelmoqda. O‘zbekiston sharoitida esa ichimlik suvi ta’minoti tizimi muayyan hududiy nomutanosibliklar, suv resurslarining notekis taqsimlanishi, moliyaviy va texnik cheklovlar, shuningdek, infratuzilmadagi yo‘qotishlar tufayli samaradorlik darajasida sust rivojlanmoqda. Shu bois xorijiy mamlakatlarning ilg‘or tajribalarini o‘rganish va ularni mahalliy sharoitga moslashtirish orqali ichimlik suvi ta’minoti xizmatlarini yaxshilash, iqtisodiy samaradorligini oshirish dolzarb masalalardan biridir. Mazkur tadqiqot ichimlik suvi ta’minotini rivojlantirish bo‘yicha xorijiy mamlakatlar tajribasini kompleks tahlil qilish, samarali usullarni aniqlash va O‘zbekiston sharoitida ularni qo‘llash bo‘yicha tavsiyalar ishlab chiqishga qaratilgan.

**Adabiyotlar tahlili.** Ichimlik suvi ta’minotini samarali tashkil etish va boshqarish sohasida xorijiy mamlakatlarda to‘plangan tajriba bo‘yicha ilmiy-analitik adabiyotlar keng qamrovli bo‘lib, ular zamonaviy texnologiyalar, institutsional model va siyosiy yondashuvlarni chuqur o‘rganishni ta’minlaydi. Jahon sog‘liqni saqlash tashkilotining (WHO, 2022) “Drinking-

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

10.09.2025 йилда теришга берилди. 26.09.2025 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0054А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.